

# Qishloq hayoti

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 29 Sentyabr, Seshanba, 114 (7575) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan  
Bahosi keshilgan narxda.



Электр энергиясидан фойдаланиб, лектин ҳақини вақтида тўламаётган хонадон соҳиблари, корхона ва ташкилотларнинг мавжудлиги дилни ранжитади. Лекин бундайлар бир кун электр энергияси бўлмай қолса, юқори идораларга югуришни, талаб қилишни жуда яхши билишади.



Бугун ҳар қандай корхона тақдирини нафақат ялпи маҳсулот салмоғига, балки унинг сифатига боғлиқ бўлиб қолди. Негаки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда ҳам, кўрсатилаётган хизматда ҳам сифат асосий мезон ҳисобланмоқда. Ҳар жиҳатдан лишиқ-пухта, замон талабларига мос хизмат турлари жаҳон бозорига эътироф этиляпти.



Об-ҳаво қандай бўлишини осмон жисмлари, қуёш ва ойнинг ҳолатига, ўсимликлар, ҳайвонлардаги баъзи ўзгаришларга қараб билиш мумкин. Бундан қарангки, метеорология асбоблари қайд қилишга қодир бўлмаган ўзгаришларни айрим ўсимликлар, жониворлар ва инсонлар олдиндан сезар экан.

## 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Ў унда касблар, хунарлар кўп. Жамиятда уларнинг ҳар бири ўз ўрни, мавқега эга. Улар орасида энг масъулиятли ва шу билан бирга шарафли касб ҳам борки, бу шаксиз ўқитувчилик, мураббийликдир.

Устоз макониға эришиш учун олий даргоҳда ўқиш, дипломли бўлишнинг ўзи камлик қилади. Унга сазовор бўлиш учун ўқир заковат, дарёдек меҳр, тоғдек сабр-бардош, метиндек ирода, заргардек синчковлик, энг муҳими, инсонни тушуниш, қалбига йил топа олишдек ноёб қобилият талаб этилади.

Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг катта байрам сифатида нишонланишида ҳам раъзий маъно бор. Бу – касб эгаларига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътиром намунаси.

Эртанги кун ворислари бўлмиш ёш авлодни она Ватанимига садоқат руҳида тарбиялаб, эл қорига камрабаста инсонлар бўлиб етишишлари учун сидқидилдан меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий мураббабод этамиз. Эзгу мақсад йўлида асло толманг, азиз устоз ва мураббийлар!

Олтинқул дон тайёрлаш шохобчасида бўлганимизда "Дўстликдон" АЖ вакили Абдували Маматов билан суҳбатимиз мавзуси бугдой уручилиги ҳақида бўлди. Унинг таъкидлашича, жиззахлик фермерлар Андижондан имкон бўлса, кўпроқ "Таня", "Андижон-2" ва "Бобур" навларини олишга интилишган экан.

### САРА УРУҒНИ ЭРТА ЭККАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛАДИ

Абдували Маматов ушбу навлар чўл шароитида гектарига 70 центнергача ҳосил бераётганлигига алоҳида уруғ бериб ўтди. "Таня" Краснодар селекциясига мансуб бугдой. "Андижон-2" ва "Бобур" навлари эса Андижонда яратилган. Андижон тажриба майдонларида синодан ўтиб, каттароқ майдонларга экилиши мўлжалланган вақтда ушбу уруғларга муносабат илқ бўлмаган. Орадан уч-тўрт йил ўтар-ўтмас фермерлар "Таня", "Андижон-2" ва "Бобур" навларига бошқача назар билан қарай бошладилар. Жорий йилда жуда кўп вақт фермерлар ушбу навлардан гектарига 84 центнергача ҳосил олишди. Сувсизликка чидамлилиги ва юқори ҳосилдорлиги аён бўлган сўнг бу навлар хариддориги бўлиб кетди.

Сара уруғ юқори ҳосилдорликда бирламчи омили ҳисобланади. "Андижонданмаҳсулотлари" АЖнинг жойлардаги бешта шохобчасида келгуси йил деҳқончилиги учун 42 минг 334 тонна 15 хилдан зиёд Краснодар ва маҳаллий селекцияга мансуб бугдой уруғлари сараланиб, фермерларга етказиб берилди. Мутасаддиларнинг эътирофи айтилишича қараганда, эндиликда республикамизнинг табиий-иклим шароитига мос бугдой уруғлари мавжуд. Лундароқ қилиб айтсак, фермерларнинг ўзларига маъқул навларни танлаш имконияти бор. Урим-йигим мавсуми якунланиши биланқоқ тайёрланган уруғлик бугдойларни тозалаш, саралаш ва зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов бериш бошқача юборилган эди. 1996 йилдан буён айни шу масъулиятни ҳис қилиб меҳнат қилаётган тайёрловчилар меҳнати кун сайин рўйга чиқмоқда. Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик бўғртмасига биноан тайёрланаётган уруғлик бугдойлар тиним даврини ўтаб бўлиши биланқоқ вагонларга пешма-пеш юкланмоқда. Ҳар бир туркумдаги уруғлик бугдой лаборатория таҳлилдан жойлардан келган вақиллар иштирокида ўтказилмоқда. Белгиланган мейёр бўйича ҳар қайси навдаги бугдой уруғининг минг донаси оғирлиги 38 граммдан кам бўлмаслиги керак. Избоскан, Олтинқул, Балички ва Пахтабод туманларидаги шохобчаларда тайёрланаётган уруғлик бугдойларнинг амалдаги миқдори 44 граммгача етмоқда. Бу уруғнинг юқори даражада сифатли эканлигидан далолатдир.

Пахта далаларида йигим-терим бораётган айни пайтда ишнинг отряд усулида ташкил этилиши фермерларда кузги бошоқли экинлар экишни бир маромда ўтказишга имкон бераёттир. Дефляция туйғайли гўза баргидан холи эгитлар чуқур культивация қилинляпти. Фермерлар эса уруғлик тайёрлаш шохобчаларида бўлишиб ўзларига маъқул навларни қўздан кендиришляпти. Балички шохобчасида "Умирзоқ ота" фермер ҳўжалигининг раҳбари Жалолиддин Тўйчиев, "Рустамбек" фермер ҳўжалигининг раҳбари Муталибжон Йўлдошевларни тайёрловчилар билан биргаликда уруғлик бугдойларни қўздан кеңиришляпти ва гўвоҳ бўлди. Ҳар икки фермер даласида биринчи терим якунланибди. Механизаторлар ер тайёрлашган экан. Кузги бошоқли экинлар экишда ҳам отряд усулининг жорий этилганлиги ишларнинг янада олдинга силжишига омил бўляпти.

Жалақудук туманидаги "Ободончилик бунёдкори" фермер ҳўжалигида очик майдонга вилоятда биринчи бўлиб уруғ қадаланган эди. Катта магистрал йўл бўйида фермерлик қилаётган Ортиғали Урмонқоннинг ҳафсада билан ер тайёрлагани, уруғ сончилиги ва қўзни ўйнатиб юборишга қодир қўчат олганлиги деҳқончиликдан беҳабар инсонларнинг ҳам ҳайратини оширяпти. Ҳа, бугдой экиш қанча эрта амалга оширилса, сара уруғнинг кучи қўзга ташланади, ҳосил мўл ва сифатли бўлади.

Қобилжон АСКАРОВА,  
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Андижон вилояти

### Куннинг муҳим воқеалари

Пойтахтимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган UZ миллий домендаги сайтларнинг Интернет-фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Фестивалнинг танлов дастурида 750 дан ортик сайт иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати ва жамоатчилик берган овозлар асосида 13 мавзу ҳамда 3 номинация бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди.

Ички ишлар вазирилик Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли Чирчиқ шаҳридаги жазони ижро этиш колониясида янги реабилитация маркази фойдаланишга топширилди.

Гулистондаги Болалар шаҳарчасида «Биз Ватан фарзандлари, умид нихолларимиз» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ушбу шаҳарчада яшаб, таълим-тарбия олаётган ўғил-қизлар бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашди.

Пойтахтимиздаги "Чигатой" терма жамоалар тайёрлаш маркази стадионида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вақиллари ўртасида мини-футбол бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, генитал эндометриоз хасталиги замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Бу хасталик ўз вақтида аниқланиб, самарали даволанмаса, бемор вужудида оғир асоратлар қолдириши ва репродуктив саломатликка жиддий таҳдид туғдириши мумкин.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган репродуктив саломатликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика иктисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Германиянинг «Байер шеринг фарма» фармацевтика компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил

этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари ҳамда Миср ва Россиядан келган мутахассислар иштирок этди. Республика иктисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Султонов аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб

борилаётган изчил ислохотлар жараёнида устувор ўрин тутушини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўляпти.

Маъзур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари томонидан изчил ишлар олиб бориляпти. Олимларимиз репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини тақомиллаштириш, аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини

янада ошириш, гинекологик хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг илгор услубларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бу борада жаҳон тиббиётининг замонавий усул ва воситаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилямоқда. Ана шу йўналишда жаҳондаги етакчи илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар ўз самараларини бераёттир.

Семинарда генитал эндометриоз патогенезининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги усуллари ва воситалари ҳамда замонавий контрацепция воситаларини қўллаш самараларига оид маълумотлар тингланди ва муҳокама қилинди.

Б.ҲИДИРОВА,  
Ўа муҳбири

### ОБУНА - 2010



**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**  
"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна бошланди. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик қарточка орқали амалга оширилади.

**БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:**  
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144  
"Hayot" — 145

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида оғир атлетика бўйича клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақасида қитъамизнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган 150 нафардан зиёд спортчи голиблик учун кўч синашмоқда.

## ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Президент Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш, аҳолини, жумладан, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун кулай шароит яратишга қаратиляётган доимий эътибор самарасида оғир атлетика ҳам жадал тараққий толмақда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Оғир атлетика федерацияси ҳамда Осиё оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртимиз Зилола Бўриева олтин медалини қўлга кирит-

ди. Терма жамоамиз аъзоларидан Марина Сисоева кумуш медалга сазовор бўлди, Нургул Султонмуродова эса кучли учликдан жой олди. Усмирлар ўртасидаги қизгин баҳсларда Алишер Абдуллаев ва Бобомурод Чошимов шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди, Бекзод Юсупов эса учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистонда спортни, жумладан, оғир атлетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратиляётган даврда, — дейди Осиё оғир атлетика федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, бангалдешлик Муҳиддин Аҳмад. — Спортчиларингиз халқаро майдонларда

юртингиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганига мамлакатда ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилгани, спортни оммавийлаштириш тўғрисида қўйилган муҳим омили бўлмоқда. Осиё чемпионати ва Осиё кубоги беллашувларига мезбонлик қилаётган "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳам мусобақани юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятларга эга эканига, мамлакатимизда бундай замонавий спорт иншоотлари қўлпигига амин бўлди. "Жар" спорт-соғломлаштириш



мажмуида давом этаётган мусобақаларда қизлардан жойиллик Бу Жи Лин ва Лю Фенг, ўсмирлар ўртасида яна бир Хитой вакили — Чен Миндунг, эронлик Жобир Бехрузий, Милануш Рустамий ва туркманистонлик Омон Мередов олтин медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ,  
Байрам АЙТМУРОДОВ,  
Ўа муҳбирлари.

**Qishloq hayoti**  
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агроеаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ерғодеэкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзагрорсуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекнегилсанот", "Ўзқишлоқхўжаликмасшлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Е-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари, "Ўзагрормасервис", "Ўзғўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеаноат ходимлари касеба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

# 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

## ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИЗДОШЛАРИ



Хоразм Паҳлавон Маҳмуд сингари машҳур полковлар юрти. Гулранлик Жиянбой полков, Ҳасан Ғора, шихбонлик Қаландар полков, боғотлик Эшназар полков, Давлат добби, Сафо кўрри, урганлик Худойшукур полковлар номи кураш ихлосманларига яхши таниш. Баҳодир Бекжонов устозлар анъанасини давом эттириб келаётган ва ўзбек миллий кураши ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган устозлардан.

У ёшлигидан спортга меҳр қўйди. Отабой полков, Хржи полков Хусайновлардан кураш тушиш сир-асрорларини ўрганди. Самарқанд жисмоний тарбия билан юрти ва Ўзбекистон жисмоний тарбия олийгоҳларида пухта билим олган ҳамда маҳоратини оширган Баҳодир дастлаб ўрта мактабларда, кейинчалик тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўзбек кураши бўйича ёш полковларга сабоқ берди. Даврон Қаландаров, Мақсуд Ҳазратов, Халим Юсупов, Қўралов Абдулло, Рўзимбой Қобулов сингари донгдор полковлар Баҳодир аканинг шогирдлари.

Баҳодир Бекжонов ўз қишлоғида "Паҳлавон" спорт мажмуасини қуриштириб, ишга туширилишига бош-қош бўлди. 1991 йилда Грузия республикаси пойтахти Тбилиси шах-

рида ўтказилган "Чидоба" кураши бўйича иккинчи халқаро турнирда Баҳодир аканинг ҳамкамлик қилиши ва мазкур кураш бўйича Халқаро тоифадаги ҳакам уюнига сазовор бўлиши унинг дунё спортда ҳам ўз ўрнига эга эканини билдиради.

Кўпчилик Баҳодир аканинг спортга оид тезкор ва ҳозиржавоб, ўзбек миллий курашининг ўтмиши, бугуни ва келгуси истикболлари ҳақидаги, шунингдек, спортни ривожлантириш йўлида учраётган муаммоларни дадил кўтариб чиқувчи мақоалари орқали ҳам яхши танийди. Жўжур устоз миллий кураш бўйича спорт устаси, самбо ва эркин кураш бўйича спорт усталигига номзод, эркин кураш ва ўзбек кураши бўйича республика тоифасидаги ҳакам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, Ўзбекистон Халқ ташлими аълоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар муррабийи каби унвон ва нишонларга сазовор бўлган.

Баҳодир Бекжонов ёш авлод тарбияси йўлидаги самарали меҳнатлари учун Мустақиллигимизнинг 18 йиллик арафасида Президентимиз Фармонига биноан "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.  
— Юртбошимизнинг спорт-

### Муносиб тақдирланганлар

ни ривожлантириш йўлидаги саз-ҳаракатлари, айниқса, миллий курашимиз ва унинг ривожига эътибори, спортчиларга кўрсатилган ҳурмат-эҳтироми мени янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда, — дейди Баҳодир ака ҳурсандчилигини яширолмайд.

Юксак мукофот соҳиб бўлиши айни пайтда Урганч туманидаги 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди ёшларни камил инсон қилиб тарбиялаш йўлида гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.  
Хоразм вилояти

Инсон касб танлар экан, унда шу касбга астойдил қизиқиш бўлиши керак. Шундагина у ўзи танлаган касбнинг сир-асрорларини мукамал эгаллаб, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиغان мутахассис бўлиб етишади.

## КАСБИНИ СЕВИБ, «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ»ГА САЗОВОР БЎЛГАН МУАЛЛИМ

Ғиждувон туманидаги 62-сонли иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернати раҳбари Саид Раҳмонов педагоглар оиласида вояга етгани боис, ўқитувчилик касбига бўлган меҳр унда болалигиданоқ уйғонган. Саид Раҳмонов ўрта мактабни олтин медал, ҳозирги Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Бу ерда олган билим ва малакасини катта иштиёқ билан Ғиждувон туманидаги 7-сонли мактабда шогирдларига ўргата бошлади.

Ғиждувон туманидаги 62-сонли иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернати раҳбари Саид Раҳмонов педагоглар оиласида вояга етгани боис, ўқитувчилик касбига бўлган меҳр унда болалигиданоқ уйғонган. Саид Раҳмонов ўрта мактабни олтин медал, ҳозирги Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Бу ерда олган билим ва малакасини катта иштиёқ билан Ғиждувон туманидаги 7-сонли мактабда шогирдларига ўргата бошлади.

илмий ва методик маърузаси вилоят ҳамда республика педагогик ўқишларида, илмий-амалий кенгашларда тингланган, юқори баҳоланган.

Бугунги кунга келиб, иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернатида 280 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга 30 га яқин олий маълумотли ўқитувчи сабоқ беради. Мактабнинг дастлабки битирувчилардан 7 нафари фан номзоди, 1 нафари эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Илм масканини аъло баҳоларда битирган бир неча ёшлар эса айни кунда Ўзбекистоннинг хорижий элчихоналарида фаолият юритиштирапти.

Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ўтказилаётган танловларда билим масканининг вакиллари фаол иштирок этиштиради. 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган танловда мактаб-интернат ўқитувчиси Шакар Бафоев гран-при соҳиб бўлиб, Париж шаҳрида бир ой муддатда малака ошириб қайтди. Устозлари билан бир сафда меҳнат қилаётган Озода Раҳмонова, Гулмира Турсунова, Мухоба Атоева, Гулном Дехқонова ва битирувчилар ҳам катта тажриба ва билимга эга. Уларнинг ҳар бири ўз фаълиги оид қўлланмалар муаллифлари.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг 2006-2007 йил-



даги француз тили фани бўйича республика босқичи қолиблари Дилнавоз Ибодова ҳамда Гулноза Раҳмоновлар ҳам шу мактабнинг собиқ ўқувчиларидир.

Мактаб раҳбарияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Шунингдек, муассаса Франциядаги "Перро" компанияси грантининг ҳам қўлга киритди. Хомий ташкилотлар ҳисобидан маскан биносидан 206 миллион сўмлик жиҳозлаш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари бажарилди. 52 миллион сўмлик хорижий инвестициялар ҳисобидан эса дарсликлар, ўқув-усlubий қўлланмалар келтирилиб, ўқитувчиларнинг Франция давлатида малака ошириб келиши таъминланди. Шунингдек, қўшимча ётоқхона, ошхона ва ювиниш хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Саид Раҳмонов Мустақиллик байрамнинг 18 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармонига кўра "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

— Кўча-кўйда мени устоз, дея улуғлашди. Бу меннинг меҳнатимга берилган энг катта баҳо, — дейди устоз камтарлик билан.

Юксак мукофот Саид Раҳмоновнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшди. У ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшишдек эзгу мақсад йўлида янада шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Хамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.  
Бухоро вилояти

## Учинчи минг йиллик боласини тарбиялайётганлар

Қадимий Кат қалъасида (ҳозирги Беруний шаҳри) туғилган, вояга етган буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний элдошлари, айниқса, ёш авлод вакиллари бобоқалонларига муносиб тарада вояга етишлари учун етарли шароитлар яратилганидан гоит мамнуналар. "Таълим тўғрисида" ги Қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод" Давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ қилиниши туфайли таълим-тарбия соҳасида юқори натижаларга эришяётганлар.

Анъанавий касб байрамни 67 та умумтаълим мактаблари ва 53 та мактабгача таълим муассасалари ходимлари муносиб тарзда кутиб олмақда. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига мувофиқ туманидаги 24 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди, 16 таси капитал ва 17 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Бу эса 30 миң нафардан ортиқ ўғил-қизнинг шинам ва замонавий синф хоналарида ўқишлари, лаборатория хоналарида билимларини мустақимлаб, спорт мажмуаларида машғуллар ўтказишлари учун имкон берди. Туман мактабларининг 55 таси овуларда жойлашган. Айни пайтда "Умумтаълим мактабларига Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лойиҳаси"га биноан барча мактабларда компьютер синфлари ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимини амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларининг роли бекиб. Бундай муассасаларда таълим-тарбия юқори даражада йўлга қўйилса, узлуксиз таълим тизими учун мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бун яхши англаган 53 та муассасадаги 334 нафар ўрта махсус маълумотли, тажрибали тарбиячилар кичикинтойларнинг таълим-тарбияси билан машғул. Улар "Соғлом авлод" Давлат дастури, "Учинчи минг йиллик боласи" таянч дастури асосида фаолият юритиб, нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда ҳам кубонарли кўрсаткичларга эришмоқдалар. 1, 7, 18, 21-мактабгача таълим муассасалари (мудирлари Ниёзжон Жуматов, Муҳаббат Тажинова, Гуллойим Примова, Разно Аллаберганова) иш тажрибалари оммалаштирилиб, амалиётга кенг жорий этилган.

Мактабларда спортни ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар адо этилди. Жумладан, 49 та мактабдаги мавжуд спорт заллари иши яхшиланиб, ўқувчилар машғулотларни мунтазам ўтказишлари учун қулай шарт-шароит яратилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, замонавий талабларига тўла жавоб берадиган, мамлакатимиз гуллаб-яшнаши учун астойдил хизмат қиладиган муносиб фарзандларни тарбиялашнинг ният қилган ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан қўтлар, уларга соғлиқ, машаққатли ишларида ривож, оилавий бахт тилайман.

Нурулла РЎЗИМОВ, Беруний тумани халқ таълими бўлими мудири.  
Қорақалпоғистон Республикаси

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури қабул қилиниши мактаб таълимини ривожлантиришда катта истикболлар эшигини очиб берди. Умумийлиги дастурда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятимизда жами 1555 та таълим муассасалари, жумладан, 1110 та умумий таълим мактаби, 394 та мактабгача ва 44 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 3 та меҳрибонлик уйи, 4 та махсус мактаб-интернатлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 543 минг 746 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. 2004-2009 йиллар давомида 109 та мактаб янгидан қурилди, 208 таси капитал реконструкция қилиниб, 344 таси капитал таъмирланди. 268 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилиб, 180 та спорт зали қурилди. Мактаблар 43,7 миллиард сўмлик замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Бундан ташқари, барча фанлар бўйича ўқув дастурлари тахриба синовдан ўтказилиб, тақомиллаштирилди. Дарслик, методик қўлланмаларнинг янги авлоди яратилди. Қарши шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси Зулфия Қўёмова, 5-б-синфлар учун немис тили дарслигининг муаллифи бўлди.

Вилоятимиз ёшлари фан олимпиадаларида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Косон туманидаги 95-мактаб ўқувчиси Мақсуд Тўхтаева республика олимпиадасида (биология фани бўйича) биринчи ўринни қўлга киритиб, Тошкент тиббий академияси талабаси бўлди. Ғиждувон туманидаги 68-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Охунжон Ғайзуллаев 42-халқаро Менделеев олимпиадасида кимё фани бўйича бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, Шаҳрисабз акаде-



1-тонфали ўқитувчи Иномжон Йўлдошев Норин туманидаги 29-умумтаълим мактабидида 28 йилдан буён ёш авлодга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келади. У ҳар бир дарсини янги педагогик технологиялар асосида қизиқарли ва жонли мулоқот тарзида ўтказишга интилади. Шу боис ўқувчилар рус тили дарсларини интиқлик билан қўтишади, фан бўйича ўтказиладиган олимпиадаларда, тадбир ва кечаларга қизил тийёргарлик кўришади.

— Иномжон ака кўп йиллик тахрибага эга муаллим, — дейди мактаб директори Раҳима Расуллова. — Устоз жамоамиздаги ёш ўқитувчиларга касб сирларини эринмай ўргатади, улардан ёрдамни, маслаҳатини анмайди. Йўлдошевлар оиласи — ўқитувчилар оиласи. Иномжон аканинг турмуш ўртоғи Мавлудухона она, қизи Мазмурахон ҳам жамоамизда меҳнат қиладди.

СУРАТДА: Иномжон Йўлдошев. Р.МИРЗАЕВ олган сурат.  
Наманган вилояти

## ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТ КЕЛАЖАК САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ ДЕМАКДИР

Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган кенг қўламан ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра САИДОВ билан суҳбатимиз ана шу хусусида кечди:

мик лицейи талабаси Дилноза Пардаева, Қарши шаҳридаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари Шодмон Бойжигитов, Фаррух Раҳимов, Деҳқонобод туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Хайём Мирзаевлар ҳам фан олимпиадаларида юқори ўринларни қўлга киритиб, олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиндилар. Ўқувчиларнинг орасида давлат мукофоти соҳибдорлари ҳам бор. Касби туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Насиба Шарипова 2009 йилда хайкалтарошлик, россомилда йўналиши бўйича Зулфия Қўёмова таълим Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Вилоят халқ таълими тасарруфидидаги мактабларда таълим олаётган ўқувчилар 2008-2009 ўқув йилида 99,1 фоиз дарсликлар билан таъминланди. 2009 йилда 34 номдаги 1,6 миллион нуска дарсликлар харид қилинди. Бундан ташқари, таълим тизими тилида олий бориладиган мактаблар учун 67 номда, жами 80922 нуска, ижара тизими учун 1043489 нуска, кам таъминланган оила фарзандлари учун 25298 нуска, 1-синфлар учун 632084 нуска дарсликлар харид қилинди.

— Вилоятда чет тилларни ўқитиш

самарадорлигини ошириш мақсадида чет эл элчихоналари билан ҳамкорлик ўрнатилган экан.

— Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тақлифига кўра француз тили ўқитувчилари учун амалий методик семинар режалаштирилган. Франция элчихонаси ва Виктор Гюно номидидаги Франция маданият маркази билан ҳамкорлик натижасида француз тили ўқитувчилари ушбу давлатда малака ошириб келишмоқда. Қарши шаҳридаги "Нуристон" академик лицейида бўлиб ўтган семинарда қашқадарёлик ҳамда сурхондарёлик ўқитувчилар Мадам Франсуаз Перне ҳамда француз тили дақиқлари муаллифлари билан учрашдилар.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва Жаҳон банки ҳамкорлигида ишлаб чиққан "Мактаб таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида вилоятимиздаги 621 та умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқув-методик қўлланмалари билан таъминланди.

— Умумтаълим мактабларининг педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва меҳнатларини рағбатлантириб боришга эътибор қандай?



— Вилоятимиздаги умумтаълим мактабларида 54 миң 89 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 32 миң 392 нафари олий, 1379 нафари тўлиқ вақт махсус маълумотли мутахассислардир. Жорий йилда вилоятда мактаб директорларининг аттестацияси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 836 нафар мактаб директоридан 545 нафари ўз вазифасига лойиқ деб топилди. 114 нафари вазифасига нолойиқ эканлиги аниқланди. 97 нафарининг аттестация мuddати кечиктирилди.

Қарши шаҳридаги 1-сонли мактабда "Физика фанини ўқитишнинг дисперз масалалари", вилот педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Иқтисодий йўналиш туркумига кирувчи фанларни ўқитишда тақомиллаштирилган давлат таълими стандартлари,

## Туризм ва бизнес — ёшлар учун сеvimли соҳа

1979 йилда ташкил этилган Тошкент Меҳмонхона Хўжалиғи техникуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълим тузилмасини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорини ҳамда Ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2004 йил 27 январдаги 16-сонли буйруғига биноан касб-хунар коллежи мақомини олди. Айни пайтда у Тошкент Туризм ва бизнес касб-хунар коллежи деб юрйтилмоқда.

Ушбу билим масканида минг нафардан зиёд йигит-қиз "Меҳмонхона хизматларини ташкил этиш", "Туристик хизматларини ташкил этиш", "Сартарошлик санъати ва декоратив косметика", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Туризм", "Халқаро бизнес", "Хўжалик ҳуқуқий фаолияти" ва "Компьютер тармоқларини таъмирлаш" сингари йўналишлар бўйича касб-хунар ўрганоқда. Уларга ўз касбининг устаси бўлган меҳир педагоглар таълим-тарбия беради.

Коллежда машғулотлар замонавий усулда жиҳозланган фан, лаборатория ва амалиёт хоналарида, зарур техника воситалари ҳамда дастоҳлари бўлган ишлаб чиқариш устаноналарида олиб борилади. Интернет тармоғига уланган ва қирқ миң нусхадан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, икки юз ўринли фаоллар зали, спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқув масканида тўғрақарак фаолияти, маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт-соғломлаштириш



ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Коллеж ўқувчилари пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Тошкентнинг ой қизиман" қўриқ-танловининг туманлараро босқичи қолиби бўлишди.

Коллеж республикамиздаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Амалий дарсларни ўқиш ва битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида пойтахтдаги меҳмонхоналар, туристик фирмалар, гўзаллик салонлари, қўшма корхоналар ва йирик тижорат компаниялари ҳамда молия муассасалари билан шартномалар тузилиб, ҳамкорлик қилинмоқда. Бундай саз-ҳаракатлар самараси ўлароқ жорий йилда коллеж битирувчиларининг 98 фоизи иш билан таъминланди.

— Меҳнат бозоридида биз тайёрлаётган мутахассисларга талаб катта, — дейди коллеж директори Саидзим Ғанихўжаев. — Бу ерда мамлакатимизда жадал ривожланаётган соҳа ва тармоқлар учун кадрлар тайёрланади. Ҳар бир ўқувчининг ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб чиқиши учун педагогик жамоамиз билан тану жон бўлиб меҳнат қилмоқда. Чунки бу коллежимизнинг нуфузини ошириш билан бир қаторда йигит-қизларни ҳар томонлама барқамол инсонлар этиб тарбиялашдек масъулиятли вазифанинг бош мақсади эканини ҳар бир устоз-муррабий яхши англайди.

Мухлиса МУХИТДИНОВА



Юртимизнинг барча ҳудудлари каби Қашқадарё вилоятида ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бу жараёнда иқтисодиётнинг қон томирини менгаздаган банкларнинг хиссаси катта бўлди. Жумладан, "Агробанк" ОАТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги 16 та филиали ва 106 та минибанки томонида айни шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

# "Тараққиёт учун хизмат қилайлик"

"Агробанк" ОАТБнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси жамоаси шу тамойил асосида меҳнат қилаётир.

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан "Пахта банк" негизида "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари сифатида иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни илчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, соҳада ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни кенгайтиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматлари кўрсатиш белгилаб берилди.

Молия муассасаси ана шу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда. Банк бошқармаси филиаллари томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида ажратилган кредитлар миқдори 109,7 миллиард сўмни ташкил этди. Уларнинг 77,1 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 6,2 миллиард сўми моддий-техника таъминоти соҳасига, 3,1 миллиард сўми савдо ва маънавий хизмат ҳамда 11,4 миллиард сўми саннат соҳасига йўналтирилди.

Президентимиз қарорига қўра, молия муассасасининг асосий вазифаларидан бири этиб, қишлоқ хўжалиқ мақсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқларига кредит бериш ва қўллаб-қўлланган банк хизматлари кўрсатиш белгиланган. Ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда банк томонидан амалий ишлар қилинмоқда. "Агробанк" ОАТБ-

миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилди. Хомаш этиштириш билан қайта ишловчи ўртасидаги молиявий муносабатларни такомиллаштириш, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш банк жамоасининг алоҳида эътиборида бўлиб келмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартаф этиш, мамлакатимиз бозорларини ўсимзон мақсулотлар билан тўлдирини, экспорт салоҳиятини ошириш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланган. Банк томонидан озиқ-овқат мақсулотларини қайта ишлашга асосланган технологияларни олиб келиб ўрнатилган доир лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспорт мақсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий ёндашилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йил давомида ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 81,6 миллиард сўми ташкил этди. Унинг 57,8 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 4,4 миллиард сўми саннат, 143 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис, 10,2 миллиард сўми моддий техника таъминоти ва бошқа тармоқларга йўналтирилган. Шунингдек, банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини янада ривожлантириш учун молиявий кўмак кўлами кенгайтирилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш ва ички бозорини тўлдиринишга"



сиқона хўжалиги учун 710 миллион сўм, балиқчилик учун 94 миллион сўм, асаларчилик учун 55 миллион сўм ҳамда маънавий хизмат учун 618 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Минхўжларнинг шу соҳадаги истисколи бўлиб қолганликларини молиялаштириш давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида фермер хўжалиқлари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида банк кредитлари ҳисобидан 51 донга ҳар хил русумдаги қишлоқ хўжалиқ техникалари сотиб олинди. Бунинг учун 2 миллиард 637 миллион сўмлик сармоа йўналтирилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор натижасида ушбу соҳа иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тизимида етакчи тармоққа айланиб бормоқда. Табiiкйи, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу молия муассасаси ўтган йилда барча моддийлаштириш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 6,1 миллиард сўмлик кредит ажратган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 8,7 миллиард сўмга өтган. Йўналтирилган сармооялар ҳисобига 800 га яқин ишчи ўрни ташкил этилганга эса банк маблағларининг зағуликка сарфланаётганидан далolat беради. Бир сўз билан айтганда, берилётган кредитлар жойларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш, янги иш ўринлари барпо қилишда. Жумладан, Қарши туманидаги "Марзон СБА га сервис" хусусий корхонасига қолбаса ва гўшт мақсулотлари ишлаб чиқариш учун 80 миллион сўм, шу тумандаги "Софон" хусусий фирмасига нон ва нон мақсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун 165,8 миллион сўм, Фузур туманидаги "Дил Ҳақ Бозор" масъулияти чек-

ланган жамиятига гўшт ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 30 миллион сўм, Шахрисабз туманидаги хусусий тадбиркор Бекзод Саидовга сутни қайта ишлашни ташкил қилиш учун 10 миллион сўм, Чирочки туманидаги "Дилсўз плюс" ишлаб чиқариш савдо фирмасига макарон ва нон мақсулотлари ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 40 миллион сўм кредит ажратилди.

"Банк сармооялари мижоз манфаа-

ти учун" тамойили асосида меҳнат қилаётган банк жамоасининг ибратли ишларини мижозлар фикри янада ёрқинроқ исбот этди.

Миришкор туманидаги "Сафар ота" фермер хўжалиқи банкнинг "Олтин бошок" минибанки мижози, "Шухрат" медали соҳиб фермер Бахтиёр Сафаров банк сармоясига "Класс Доминатор" комбайни олганди.

Ихтиёрийида 57 гектар галла майдони бор, — дейди фермер. — Жорий йилда комбайнимиз ўзимизга қарашли ердан ташқари яна 500 гектар галлазор ҳосилини йиғиштириб олишда иштирок этди. Шунга яраша даромадимиз юқори бўлди. Даромаддан 2 нафар кам таъминланган ёш оилага уй қуриб бердик.

"Бегайлев Ғайрат" фермер хўжалиқи раҳбари Ғайрат Бегайлев ҳам банк кредитига комбайн олган эди. Фермернинг таъкидлашича, ушбу темир жорий йилда минг гектарга яқин галлазор ҳосилини саранжомлабди. Олинган даромад эса кредитни сўндириш ва бошқа бир қатор хайрли ишларга йўналтирилди.

Банк томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, бу борада мижозларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: айни пайтда банк мижозларга таркатган пластик қарточкаларнинг умумий сонини 92 693 тага өтди. Ушбу қарточкаларга жорий йилда 28,3 миллиард сўмдан ортиқ банк ўтказмалари амалга оширилган. Пластик қарточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун жойларга 776 та нуқталарда терминаллар ўрнатилган. Улар орқали жорий йилда 829,9 миллион сўмлик тўловлар амалга оширилди. Йил охиригача терминаллар сонини 1076 тага өтказиш мўлжалланган. Ҳозирги кунда мижозларга қулайлик яратиш учун ҳар банк филиалларида инфокиоскалар ва банкоматлар ўрнатилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни кенгайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг 1 сентябрга қадар "Агробанк" ОАТБ нинг Қашқадарё вилояти бошқармаси филиаллари томонидан аҳоли омонатлари қолдинги йил бошига нисбатан 42 фойга өшди. Бир сўз билан айтганда, бугун вилоятда амалга оширилатган бунёдкорлик, ободлик ва эл фаровонлиги йўлидаги ишларда банк жамоасининг муносиб хиссаси бор.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**  
"Qishloq hayoti" муҳбири.  
Қашқадарё вилояти



● Синов ва сертификат хизмати

## МАҚСУЛОТ СИФАТИ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Республикадаги синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхоналари иш бошлаганига роппа-росса етти йил тўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги "Стандартлаштириш, метрология, мақсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзстандарт" агентлиги таркибидан ташкил этилган мазкур корхоналар ишлаб чиқаришда сифат тизимини ташкил этиш ва йўлга қўйишнинг асосий ташкилотчиларига айландилар.



Корхонамизнинг 40 дан ортиқ малакали ходими томонидан мақсулотни сертификатлаштириш, чет эл сертификатларини эътироз этиш, мақсулотларнинг ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш, уларнинг синовларини ўтказиш каби хизматлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлар ишини енгилаштириш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида сертификатлаш бўйича агентлик хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Марказ томонидан расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати МДХ мамлакатларида тан олиншини тадбиркор ва ишбилармонларимиз яхши биладилар.

"Ўзстандарт" агентлиги тизимида биринчилардан бўлиб марказимизда сифат менежмент хизмати ташкил қилинди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида бундан икки йил аввал Россия Федерациясининг халқаро сертификатлаштириш асоциясини ҳамда 37 та ана шундай халқаро муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи сертификат тармоғининг ИСО 9001:2008 халқаро стандартига мувофиқлик сертификатини олдик.

Корхонамизнинг ўлчов воситалари бўйича давлат метрологик назорати бўлими саннат корхоналари ва аҳолига ўндан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Фаргона нефтиники қайта ишлаш заводи, "Фаргонаазот", "Қува-сой-цемент", "Қварц" очик акциядорлик жамиятлари, "Ўзсаламан", "Евразия-Тапо диск" қўша корхоналари ва бошқа шу каби жамоаларнинг метрологик таъминоти, мақсулотларининг синовлари ва сертификатлаштириш ишлари шу бўлим томонидан амалга ошириб келинган.

Бугун хар қандай корхона тақдирини нафақат ялти мақсулот саломига, балки унинг сифатида бонглик бўлиб қолди. Негаки, ишлаб чиқарилаётган мақсулотда ҳам, кўрсатилаётган хизматда ҳам сифат асосий мезон ҳисобланмоқда. Хар жихатдан пишмиқ-пухта, замон талабларига мос хизмат турлари жаҳон бозорига эътироз этиляпти. Бу эса айни пайтда ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий қудратини ошириш, иқтимоий масалаларни ижобий ҳал этишини ишончи қафолатлади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 июнда қабул қилинган "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига бу соҳадаги муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Унда 2011 йилнинг бошига қадар вилоятимизнинг "Бағдодон", "Қува текстиль", "Марфилон текстиль", "А.Ақбарали", "Водий Тошлоқ текстиль", "Фаргонаёмой", "Фаргонапахтас-

ноат" сингари корхона, бирлашмаларида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Бу борадаги ташкилий-тайёрларлик ишлари ниҳоясига өтиб, мазкур корхоналарда ана шундай тизим ишга тушиб арафасида турибди. Бундан ташқари, Қува, Тошлоқ, Еёвон, Риштон, Фаргона, Олтиқорғон туманлари ва Қуваасой шаҳридаги 32 та корхонада ҳам шундай тизим жорий этилади. Бу корхоналарнинг тегишли ҳужжатлари истисколи ўрнатилиш ва сифатни бошқариш тизимини қўллаш бўйича республика ишчи гуруҳи томонидан босқичма-босқич кўриб чиқилляпти.

Марказимизда сифат тизимини йўлга қўйиш бўлими ташкил этилиб, малакали кадрлар ва зарур воситалар билан таъминланган. Бўлим ходимлари меҳнат жамоаларининг энг яқин масъул ва кўмақдошлари бўлиб қолдилар. Улар корхоналарга халқаро ИСО 9001:2000 стандарт талаблари бўйича сифат тизимини йўлга қўйишга доир ҳужжатларни тайёрлаш, сертификатлаштириш соҳаларида яқндан ёрдам кўрсатадилар. Шу туйғайли вилоятимизда ушбу стандарт талаби бўйича сифат менежмент тизимини жорий этилган, мувофиқлик сертификатини қўлга киритган корхоналар сонини ортиб бораляпти. Кейинги уч йил ичида "Автойна", "Фаргонаёмой", "Қварц" каби корхоналар ана шундай сертификатларни қўлга киритдилар. Ҳадемай улар қаторига "Қувадонмақсулот", "Фаргонадонмақсулот", "Ўзсаламан" корхоналари ҳам қўшилидилар.

Корхона, ташкилотларда йўлга қўйилаётган сифат тизими, белгиланган стандартларга мувофиқ бўлишни тайёрланаётган мақсулот ва хизматлар сифатига берилган қарорлардир. Бу ўз навбатида сифатли, рақобатбардор мақсулотлар билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин олиш сари қўйилган дадил қадамдир.

**Улуғбек АББОСОВ,**  
Фаргона вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасининг директори.

## Имкониятдан илҳомланган ишбилармон

Қўнғиротлик Салимжон Бобоев банкдан имтиёзли кредит олиб, минн новойҳона очди. Тез фурсатда Жамналик, Қўнғирот, Хоразм ва Курбонов номли аҳоли яшаш нуқталарида унинг филиалларини ташкил қилди.

Замонавий анжомлар ўрнатилган ишлаб чиқариш нуқталарида ҳозир 20 киши меҳнат қилиб, хар кўни 6 турдаги 3 минг донга сифатли нон тайёрляняпти. Иссиқ нонлар мактабга таълим муассасалари, марказий касалхона ва савдо нуқталирга пешман пешман өтказилляпти.

— Яқинда меҳнат фаҳрийлари учун ошона, чойхона очамиз, — дейди Салимжон. — Нон турларини кўпайтириб, янги иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ

## Саҳнада фермер ҳаёти

С.Хўжайиёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри жамоаси драматург Равшан Яриевнинг "Фермер Нурим ота" спектаклини саҳналаштирди.

Спектаклда бугунги куннинг долзарб масалалари, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи оддий фермер оиласи мисолида ёртылади.

— Бу спектакль Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ёш томошабинларимизга ажойиб совға бўлди, — дейди театр бош режиссёри Ризамурод Айбатов. — Ёшлар спектаклни катта қизиқиш билан томоша қилмақдалар.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

Қорақалпоқистон Республикаси

## Таъминот

Қилган. Бу касбнинг ўзиға яраша машаққатлари бор. Мен 35 йилдан бери бир корхонада фаолият олиб бораман, — дейди қорақўллик монтер Гадоё Мавлонов. — Шу соҳа орқасидан обрў-эътибор қозондим. Фарзандларимни уйли-жойли қилдим. Ҳозирда ўз билганларимни шогирдларимга ўргатапман.

Корхона ҳовлисинидаги манзара, ободонлаштириш ишлари хар қандай инсоннинг кам баҳри дилини очиб юбориши тайин. Жамият қасба уюшмаси кўмитаси раиси Нодири Нусратовнинг таъкидлашича, ишчиларнинг дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бокувчиларини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан доимий равишда ҳабар олиб турилади. Бу раҳбариятнинг доимий назоратиди.

Бухоро вилояти электр тармоқлари очик акциядорлик жамиятини қўрсонли нурчилари зузуридан қайтар эканми, уларнинг масъулиятли ва шарафли ишларига омад тиладик.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**  
"Qishloq hayoti" муҳбири.  
Бухоро вилояти

## Эҳтиёт-шарт Назоратсизлик — ёнғин сабабчиси

Сабабсиз оқибат бўлмайди, деб бежиз айтилган. Мамлакатимиз пойтахтидаги Учтепа тумани Форлуқ кўчасининг 1-тор кўчаси 14-уйда яшовчи хонадон соҳибчиси газ плитасида қозонда ёғ қиздириётиб, уни бир неча дақиқа назоратсиз қолдирини натижасида ёнғин содиқ бўлди.

Унинг алангаси яна икки хонадонга ўтиб, уч оилага катта иқтисодий зарар келтирди. Турар-жой, уй-ўрғор хўжалиқари ёниб кетди. Буларнинг барчаси белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмаслик оқибатида келиб чиқди.

Бошланаятган қуз-қўш мавсумида электр, газ ускуналари, иситиш қурилмаларидан кўп фойдаланилади. Бу эса ёнғин чиқриш хавфини маълум даражада оширади. Шунинг учун ҳам бу даврда эҳтиёткорликни, ёнғин хавфсизлиги тартиб-қоидаларига амал қилишини бўйича назоратни янада қучайтириш талаб этилади. Президентимиз томонидан имзоланган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йил қуз-қўш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор талабидан келиб чиқилган ҳолда ёнғин хавфсизлиги масалалари соҳамиз ходимлари диққат марказида бўлмоқда. Махалла ва ташкилотларда шу мавзуда тушутириш ишлари олиб боришмоқда. Корхоналар, ўқув қўртлари яна бир қарга назоратдан ўтказилмоқда. Шу жараёнда енгиланган камчиликлар бартаф этиб бориляпти. Ҳамкасбаримиз хар бир тадбир ёнғин хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилишга алоҳида эътибор беришмоқдалар.

**Фарход ИСЛОМОВ,**  
Тошкент шаҳар 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди кичик инспектори.

## СУРҲОНДАРЁДА ДАФНА ЎСАДИ

Доимо ям-яшил бўлиб турадиган дафна дарахти Ўрта ер денгизи атрофларида кенг тарқолган. Бизнинг юртимизга эса у 1937 йилда Қримдан олиб келиб экилган. Шундан буйн Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясида ўсиб, яшноб келмоқда.

Дарфна дарахтининг барги ва мевасида эфир ёғи кўп. Шу боис ундан медицинада даволовчи восита сифатида, асосан гўшти, балиқчи, озиқ-овқат консерваларига, шунингдек, ҳушқўрқини таъминлаш мақсадида ишлатилляпти. Чўки унинг баргидидаги Кинтхен Р- дармон дорици, фитотци ва бошқа бирикмалар хўш таъм беради.

Дарфнани ўзимизда ўстиринишнинг бир қатор яхши хусусиятлари бор. Биринчидан, барги анча арзонга тушади. Иккинчидан, бизда ўстирилган дафна баргидида эфир мойи миқдори Кавказда өтлаштирилганидан анча юқори бўлади. (Тажриба станциясида өтлаштирилган дафна баргининг таркибидида эфир ёғи

риба станциясида өтлаштирилган дафна баргининг таркибидида эфир мойи 4 фойза бўлса, Сухуми, Социда 2,7-2,8 фойза).

Дарфна дарахтининг уруги сентябрь ойининг охири, октябрь ойининг бошларида тўлиқ пишиб өтляди. Териб олинган меваси уруг атрофидаги қилигидан тозаланиб, бирдангига экилади. Ёзи стерификация қилиниб, эрта баҳорда 3-4 см. чўқурликда ағатларга экиш мумкин. Бир гектар ерга 450-600 килограмм уруг сарфланади.

Дарфна баргининг таркибидида эфир ёғи

нинг охири, октябрь ойининг бошларида тўлиқ пишиб өтляди. Териб олинган меваси уруг атрофидаги қилигидан тозаланиб, бирдангига экилади. Ёзи стерификация қилиниб, эрта баҳорда 3-4 см. чўқурликда ағатларга экиш мумкин. Бир гектар ерга 450-600 килограмм уруг сарфланади.

Дарфна баргининг таркибидида эфир ёғи

ўсув даври бошлангичидан йил охиригача кўпайиб боради, шу сабабиди дафна барги мижози совуқ тумшасидан қуз ойининг охирида икки йиллик новдалардан тайёрланади. Дарфна барги қуритмаси 3-4 ва ундан юқори ёшдаги новдалардаги барглардан тайёрланади, чўки уларнинг таркибидида эфир ёғи кам ва сифатсиз бўлади.

Сурхондарё вилоятининг иқлими, тупроқ шароити дафна ўсимлигини ўстириш учун қулай. Бу эса дафна дарахти майдонларини кенгайтириш, ички бозорларимизни шўмдаш мақсади билан таъминлаш ва чегга экспорт қилиш имконияти борлигини кўрсатади.

**К.ФАЙЗИЕВ,**  
Р.Р.Шредер номи боғдорчилик, узумлиқ, виночилик илмий-тадқиқот институтини Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясининг илмий ишлар бўйича раҳбари.

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

раётган бир қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари унутиб юборилган қўрқини. Масалан, виллоятда фаолият қоритётган фермер хўжалиқлари 444 миллион, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари 508 миллион, виллоят машина-трактор паркларини барлашмаси 37,8 миллион, "Бухоротекс" ОХЖ 29 миллион, аҳоли эса 25 миллиард 128 миллион сўм қарздор, — дейди Бухоро вилояти электр тармоқлари акциядорлик жамияти директори ўринбосари Зоқир Очиллов. — Аҳоли 2009 йил 1 январь ҳолатига 25 миллиард 696 миллион сўм қарздор эди. Ходимларимизнинг елиб-югуришлари натижасида бугунги кунга келиб бу қарзини 568 миллион сўмга камайтиришга эришилди. Ташкилот ва хонадонлар

ни қўшиб ҳисоблаганда умумий қарздорлик 32 миллиард сўмдан ошиб кетди. Уйлаймизки, юқорида номилари тилга олиб ўтилган ташкилотлар қарзларини тўлашга ошиқушади.

Истеъмолчиларга ва аҳолига қулай бўлиш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, аҳолидан фойдаланувчилар электр энергияси учун тўловларни қабул қиладиган 501 та минибанк ишлаб турибди. Бундан ташқари, жойларга "Дамас" машиналарида борилиб, тўловлар қабул қилиб олинмоқда.

Йил мобайнида истеъмолчиларга 2 миллиард 200 миллион киловатт-соатдан ортиқ энергия өтказиб берилди. Ой давомида 14 миллиард 500 миллион сўмдан зиёд маб-

лағ тушуми таъминляниши керак. 2009 йилнинг 8 ойида 1 миллиард 561 миллион киловатт-соат электр энергияси узатылган. Сановатда 2126 та, қишлоқ хўжалигида 1269 та, кичик ва ўрта бизнес соҳасида 8298 та, 295,4 мингта хонадонлардаги, 1735 та бошқа ташкилотлардаги ис-

теъмолчиларга хизмат кўрсатилади. Жамият тасарруфида 10 та 220/110/35 киловаттли, 12 та 110/35/10 киловаттли, 50 та 35/10 киловаттли нимстанциялар мавजूд. Уларнинг узлуқсиз ишлаб туриши доимий эътиборимизда.

Электр таъминоти соҳасида ишлаш осон эмас. Бунинг учун инсон етарли билим ва кўникмага эга бўлиш лозим. Қорақўл юқори кўчаланишга ҳужолиясиз монтер Гадоё Мавлонов, Қорақўл тумани электр тармоқлари корхонасини монтери Комил Жумаевлар соҳада узок йиллардан бери тер тўкиб келишяди.

— Биласизми, шу соҳа мени бодалиқ қолғаримданок ўзиға жоб-

# ОБ-ХАВОНИ ОЛДИНДАН БИЛИШ МУМКИН

Об-ҳаво қандай бўлишини осмон жисмлари, қуёш ва ойнинг ҳолатига, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисаларга, ўсимликлар, ҳайвонлар ва ҳатто одамлардаги баъзи ўзгаришларга қараб билиш мумкин. Буни қарангки, атмосферада содир бўладиган, ammo метеорология асбоблари қайд қилишга қодир бўлмаган ўзгаришлари айрим ўсимликлар, жониворлар ва инсонлар олдиндан сезар экан.



Сулқ, бўгин, юрак-қон томир хасталиклари билан оғриган беморлар об-ҳавонинг кескин ўзгаришини олдиндан сезади, деса ишонаверинг. Немис олими Ф.Пфайфер қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади: "Бир неча йил илгари эшик олдига юз-кўзларини рўйи билан бекитиб олиб, инграётган мўйсифидни кўрдим. Эрталаб соат сақизлар эди. Енига бориб ҳол-аҳволини сўрадим, у жавоб бермай инграйверди. Мўйсифидга нима бўлганини ҳеч ким билмас, у эса ўзгалар ёрдами билан рад этарди. Бир соатлар чамаси вақт ўтди. У ҳамон ингради, қийналарди. Унга нима бўлганини яна сўрашганимизда, ингроқ товушда: "Қачон чакмоқ чақиди?" деб сўради. Ажаб! Мўйсифиднинг ҳолатига чакмоқнинг нима дахли бор экан деганга? Осмонда чакмоқ туғул булутдан ҳам асар йўқ. Лекин мўйсифид тинмай ингради, титради эди. У кўчага чиққанидан кейин кучли оғриқ сезганини айтди.

Бу об-ҳавонинг ўзгаришига боғлиқ экан, тез орада осмонни қора булут қоплади, момақалдироқ гўмбурлаб, чакмоқ чақиди. Шу пайт қизиқ воқеа рўй берди: мўйсифид каттиқ сесканди, диқ этиб жойидан турди, кўз ёшларини артиб, йўлига равона бўлди. У шивалаб ёғаётган ёмғирга ҳам этибор бермай, шаддам қадам ташлаб кетаверди..."

Шунга ўхшаш воқеаларга ўзимиз ҳам ҳайтада кўп дуч келганмиз. Еши катта инсонлар оёқ ёки бел оғриги сабабини ёмғир ёғиши ёки каттиқ совуқ бўлишидан илҳами биз учун ангиллик эмас.

Об-ҳавонинг қандай бўлишини билмоқчи бўсангиз, қуйидаги аломатларга этибор беринг:

**Ой ўтов тикса, ҳаво айнаши мумкин.**

Кўёш ботаётганда осмон беғубор, шафақ тилларанг-сарик бўлса, эртасига ҳаво очик бўлади.

Кўёш кечкурун булутлар орқасига ўтиб ёки қорамтир-қизариб бот-

са, яъни шафақ тўқ қизил бўлса, эртасига об-ҳаво айнаши.

Юлдузларнинг кўпроқ жимирлаши ҳавонинг айнашидан дарак беради.

**Мўридан чиққан тутун тик кўтариб, ҳаво очилиб кетади.**

Мўридан чиққан тутун ер бағирлаб тарқалса, ҳаво айнаши.

**Эрталаб туман тушса, ҳаво очилиб кетади.**

Шудринг ёки қиров тушиши ҳавонинг очик бўлишидан дарак.

**Ёмғир пайтида бирдангина шамол турса, ҳаво очилиб кетади.**

Кора булутларнинг пастлаб, тез сузиб юриши узок вақт давом этадиган ёмғир белгиси.

**Қишда кечкурун ҳаво эрталабкисига нисбатан бирмунча илҳиса, осмонга булут чиқishi мумкин.**

Ёмғир томчисидан қўлмақда пуфакчалар ҳосил бўлса, ёмғирчириклик узок давом этади.

**Шиддат билан ёққан йирик ёмғир тезда тўхтайдди, шивалаб ёққан ёмғир узок давом этади.**

Камалак об-ҳавонинг юришиб кетиши белгиси.

**Йўнғичка гули, қоқигул юмилса, ҳаво айнаши.**

Печак гуллари катта-катта бўлиб очилса, ҳаво очик бўлади.

Гуллар одатдагидан кўра кўпроқ

Товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир узок давом этади.

**Ўрдак ва гозларнинг тумшугини қанотлари остига бекитиши совуқ бўлишининг белгиси.**

Ўрдаклар қанот қокса, патларини тозаласа, ёмғир ёғиши мумкин.

**Қалдирғоч баландлаб учса, ҳаво очик ва қуруқ бўлади, пастлаб, ер бағирлаб учса, ёмғир ёғади.**

Қарга хурпайиб олса, зағчалар тўда бўлиб учса, ёмғир ёғишини куттиш керак.

**Чумчуқларнинг баҳорда гала-гала бўлиб пастлаб учиши ҳаво айнашидан дарак беради.**

Кора чигирткаларнинг тунда тўтовисиз чириллаши яхши об-ҳаво белгиси.

**Қишда сичқон ва кўнғизларнинг ер бетига чиқishi, ҳавонинг исийшидан дарак беради.**

Балиқ сув бетига сағчиб чиқаверса, ҳаво айнаиб, ёмғир ёғиши мумкин.

**Қурбақалар каттиқ-қаттиқ, ёқимли сайраса, ҳаво илҳис бўлиши куттилади.**

Кўёш боттач, кўршапалак тинмай учса, ҳаво очик бўлади.

**Чувалчанглар ер бетига чиқса, ёмғир ёғади.**

Ўргимчакнинг ин қура бошлаши ҳавонинг очилиб кетишидан, инининг ўртасида қимир этмай туриши ҳаво айнаиб, ёмғир ёғишидан нишона.

**Хуллас, ана шундай аломатларга асосланиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан баҳорат қилишингиз мумкин. Лекин бунда аломат ва белгиларга синчковлик билан ёндашишни унутманг.**

Суюндик МАМИРОВ тайёрлади.



# СПОРТ

"Tashkent Open" халқаро турнири якунланди:

## Ғолиблар рейтинг очколари ва соврин маблағларига эга бўлишди

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бир неча кун давом этган "Tashkent Open" аёллар ўртасидаги халқаро теннис турнири якунига етди.



Икки сетдан иборат баҳсда Пеер Шахар 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Турнир ғолиби сифатида Пеер Шахар соврин пули – 37 минг АҚШ доллари ва WTA (Аёллар теннис ассоциацияси)нинг 280 очкосига, иккинчи ўрин эгаси Оқул Омонмуродова эса 200 очко ва 19 минг АҚШ доллари эга бўлишди.

Жуфтлик баҳсларида эса беларус қизлар тандеми – Ольга Ворцова ва Татьяна Пучек Витали Дьяченко (Россия) ва Екатерина Дзехалевиц (Беларус) жуфтлигини 6:2, 6:7 (1) 10:8 ҳисобида мағлуб қилди.

Жуфтлик баҳси чемпионлари 11 минг АҚШ долларидан иборат соврин пули ва WTAнинг 80 очкосини қўлга киритди.

## Ҳеч бир ўйин осон кечмайди

Миср майдонларида бўлиб ўтаётган 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси илк учрашувини ўтказди.



Аваламбор, мазкур мусобақада Ўзбекистон вакилларининг ҳам иштирок этаётгани қувонарли ҳол. Мусобақа жаҳоннинг етакчи клублари селекционер-агентлари диққат марказида турибди.

Илк ўйини Африка қитъасининг чемпиони – Гана ёшлар терма жамоасига қарши ўтказган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гарчи биринчи бўлиб тўп киритишга эришган бўлсада, якунда 2:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Ўйинда термаимиз ҳимоявий тактикани қўллагани боис футболчиларимиз ҳужумда яхши томонларини намойиш эта олишмади. Тўғрироғи, бунга рақиб йўл қўймади. Тезкор, жисмонан бақувват, бунинг устига бош билан ўйнашда ҳам кучли бўлган Гана ёшлар терма жамоаси ўйинда устунликка эга бўлди.

Биринчи бўлимда дарвозамиз тартибли ва жамоавий ҳимоя ҳамда фидойилик намуналарининг эвазига дахлсиз қолди. Аммо иккинчи бўлимда ҳимоячиларимизнинг хатолари эвазига ганаликлар жамоамизнинг бир тўпига жавобан иккита тўп киритишга муваффақ бўлишди. Жамоамизнинг ҳужумда жуда суст ҳаракат қилганини танқид остига олиш мумкин, аммо ҳимоявий тактика намуналарини учун жамоа бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаевни айблаб бўлмайди. Сабаби акс ҳолда тезкор ганаликлар дарвозамизга бундан-да кўпроқ тўп киритиши мумкин эди.

Гуруҳдошларимиз — Уругвай-Англия баҳсида Жанубий Америка вакиллари 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Мутахассислар томонидан "ўлим гуруҳи" деб номлаган "D" гуруҳининг асосий фаворити сифатида инглизлар тан олинган эди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмад Убайдуллаев эса энг кучли рақиб Уругвай эканини бир неча кун олдин берган интервьюсида айтиб ўтганди.

Кейинги ўйин бугун гуруҳ фаворити Уругвай ёшлар терма жамоасига қарши кечади. Бу

# "Ўйин майдони" жўмбағи

Ўйин майдонини 1 дан 5 гача бўлган сонлар билан шундай тўлдириш, улар катта-кичик белгиларга тўғри келсин. Рақамлар бўйига ва энига бир марта учраши керак.

>	<	>	>	2	3	>	<	>	<				
∨*	∧*	∧*	∨*	∧	∧*	∧*	∨*	∧*	∨				
3	>	2	<	5	>	1	<	4	<	>	<	>	
∧*	∧*	∨*	∧*	∨	∨*	∨*	∧*	∧*	∧				
<	>	<	<	<	1	<	3	<	5	>	4	>	2
∨*	∨*	∧*	∧*	∧	∧*	∧*	∨*	∨*	∧				
<	>	<	<	<	>	>	<	<	<				
∧*	∧*	∧*	∧*	∨	∨*	∨*	∧*	∧*	∧				
2	<	>	<	>	>	>	<	>	4				

## Машиқзамин ҳикмат бустони

Устоз ва муаллимлар ҳурмати учун қўйганлар бу дунёда ҳам, охирада ҳам саодат топар.

**Кошифий**  
Ибн Аббосдан:  
— Сен қандай қилиб шунча илмга эришдинг? — деб сўрадилар.  
У шундай деб жавоб берди:  
**Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли ўқитувчи билан.**

### АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

**GAZ GROUP**  
**AVTODOM PLUS**

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда!

"ГАЗ-3309" русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

Махкам: 100015, Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси 16'-уй. Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94. Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21. E-mail: info@auto.uz Web-site: www.auto.uz

ООО "BUSINESS REGION AZIMUT" (код по ОКПО 2251657, ИНН 300991912), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства химиката Улутевского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент Улутевский р-н Чельозар 13 кв-л д.20 кв.49, лицензияется (протокол собрания № 02 от 28 сентября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 796-74-34, 189-24-16.

ООО "BIORITM-FARM" (ИНН 205712307, ОКОНХ 71212), находящийся в г.Ташкенте, зарегистрированное в ИРСР М.Улутевского р-на, № 002123 от 02.05.2008 г., сообщает об уменьшении Уставного фонда с 142 414 426 сум до 75 000 000 сум. Тел.: +9987-410-09-08.

### ПРОФНАСТИЛ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦА

аксессуары

Производим и устанавливаем

Телефон: (+99890) 188-60-60, 175-28-41, 302-13-12

под заказ (+99898)

"ASIA INSURANS" КК МДХ СК ория АО № 0048473 Исламов 3.М. номуга 2009 йил 22 январда берилган сурта полиси йўқолганиги сабабли бекор қилнади.

Хусусий тадбиркор "KIM NADEJDA ROMANOVNA"нинг № 1015951-1015975 рақамли чек дафтраси йўқолганиги сабабли бекор қилнади.

ООО "REALTY-DRY-CLEANING" (ИНН 300772037), зарегистрированное в Чиланзарском р-не г.Ташкента, лицензияруется на основании протокола № 3 от 25.09.2009 г. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 703-10-99

На основании решения участника ООО "FLY NET" за № 1 от 22 сентября 2009 года, ООО "FLY NET" ликвидировано. Претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г.Ташкент, Яхсарайский р-н, ул. Кушбети, 6. Тел.: 280-58-22.

Утеренный план квартир по адресу: г.Ташкент Чиланзарский р-н кв-л 19 д.60 кв.58, выданный БТИ Чиланзарского р-на на имя Иснова Сергея Валерьевича, считать недействительным.

<b>Бош муҳаррир</b> Чоря ЛАТИПОВ	<b>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ</b> Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМООНОВ, Раҳимберди БҮРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Самд АРАБОВ, Саидман САИДЖАЛОЛОВ, Баҳориддин АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳман БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРХУЖАЕВ.	<b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Ағитай АДИЛОВ, Гоғир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктаб БАРНОЕВ, Утқир РАҲМАТ, Қомилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шерзод ҚУЛОМОВ, Муроддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибнинг — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. <b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Ўзбекистон — 224-99-13; Бўлроқ — 542-05-18; Жиззах — 365-61-16; Наманган — 224-61-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40.	<b>Реклама ва эълонлар</b> 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртматик жавобгар	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	<b>Навбатчи:</b> А.НУРУЛЛАЕВ <b>Мусахҳас:</b> С.ҚОДИРОВ <b>Дизайнер:</b> Ф.РАСУЛОВ
-------------------------------------	--	---	---	--	---	---